

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши кворуми ҳақида
1-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Металлурглار маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 5 сентябрь

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

КВОРУМ:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 472 119** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **548 001 652** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **147 667** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,36** фоизини ташкил этди.

Саноқ комиссияси:

 _____ К.К. Равшанов
_____ А.А. Бабаев
 _____ М.Н. Бабакулова

Баён тузилган сана: 2025 йил 5 сентябрь

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши овоз бериш натижалари ҳақида
2-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 5 сентябрь

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 472 119** дона.

Умумий йиғилишда бюллетень тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **548 001 652** дона.


Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **147 667** дона.

Т/р	Кун тартибидаги масалалар:	Ўқлаб ☒	Қарши ☒	Бетараф ☒
1.	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ ва санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин: – Карим Камилжонович Равшанов – Ходимлар ва ташкилий ривожланиш дирекцияси директори в.б.; – Азиз Акмалович Бабаев– Корпоратив муносабатлар бўйича 1-тоифали мутахассис; – Мафтуна Нормухамадовна Бабакулова – Акциядорлар билан ишлаш бўйича мутахассис.	548 031 197	0	0

2.	“Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбарини тайинлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. Баходир Тожимирзаевич Абдуллаев уч йил муддатга “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари этиб тайинлансин. 2. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини имзолаш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раисига юклатилсин.	548 031 197	0	0
----	---	-------------	---	---

Санок комиссияси:


 _____ К.К. Равшанов

 _____ А.А. Бабаев

 _____ М.Н. Бабакулова

Баён тузилган сана: 2025 йил 5 сентябрь